



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 147 (12.458)

Баҳоси эркин нарҳда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 25 июль куни Оқсаройда АҚШ Қуроли кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони Ллойд Остинни қабул қилди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларга, жумладан, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги ҳамкорликка оид масалалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон – АҚШ мулоқоти конструктивлик ва мунтазамлик касб этиб бораётганини, бу томонларни қизиқтирган барча соҳаларда ҳамкорликни изчил ривожлантириш имконини бераётганини алоҳида қайд этди.

Суҳбат чоғида минтақавий муаммолар кўриб чиқилар экан,

Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан барқарорлаштириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Генерал Л.Остин самимий қабул ҳамда икки томон учун долзарб бўлган масалаларни атрафлича муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик изҳор этиб, АҚШ раҳбарияти мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. (ЎЗА)

«ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР» КИТОБИ ТАҚДИМОТИ

«Маънавият» нашриёти томонидан «Президентга мактублар» китобининг учинчи жилди нашрдан чиқарилди.

Маълумки, мазкур китобнинг биринчи жилди 2006 йилда, иккинчи жилди 2009 йилда нашр этилган ва кенг жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотган эди.

Китобнинг янги – учинчи жилдидан мамлакатимиз ва чет эл фуқаро-

моён бўлаётгани аниқ мисоллар асосида акс эттирилгани, барча мактублар ўзининг самимий руҳи, Ўзбекистон раҳбарига юксак ишонч, ҳурмат-эҳтиром туйғулари билан алоҳида ажралиб туриши ҳақида атрафлича фикр юритилди.



ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР

Шу йил 25 июль куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ушбу китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан ташкил этилган мазкур йиғилишда таниқли олимлар, тарихчи ва файласуфлар, маданият, адабиёт ва санъат намояндлари, ўқувчи ва талаба ёшлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тақдимот маросимида «Президентга мактублар» китобининг учинчи жилди мамлакатимиз ижтимоий-маданий ҳаётидаги катта воқеа экани таъкидланди. Ушбу тўпламдан ўрин олган, турли касб ва ижтимоий тоифага мансуб юрtdошларимиз томонидан йўлланган хатларда мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотлар, аввало, инсон манфаатлари учун амалга оширилаётгани ва уларнинг амалий натижалари ҳар бир оила, қишлоқ ва шаҳар ҳаётида яққол на-

ёзувчи У.Ҳамдамов ва бошқалар сўзга чиқиб, «Президентга мактублар» китобининг учинчи нашри Ўзбекистон Президентининг гоят масъулияти ва самарали фаолияти ҳақида, мамлакатимиз эришаётган тарихий ютуқ ва марралар ҳалқимиз ҳамда кенг ҳалқаро ҳамжамият томонидан юксак эътироф этилаётгани ва қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади. Маълумот бериши, бу борадаги тушунча ва тасавурларни кенгайтириши, ёш авлодни Ватанга меҳр ва сadoқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди. (ЎЗА)



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Ёғоч ўймакорлиги халқимизнинг ана шундай бебаҳо миллий анъаналаридандир. Бу санъат инсондан нозик дид, кунт ва сабр-тоқат талаб этади. Зеро, битта маҳсулот тайёрлаш учун баъзан йиллар зарур бўлади. Усталаримиз узок умр кўрган, ҳосил беришдан тўхтаган кекса ёнғоқ дарахларини топиб, уни мўтадил ҳароратда узок қуритади. Шу боис, ўймакор устанинг маҳоратига нафақат ёғочга чиройли жило бериши, балки хомашёнинг ҳар заррасидан унумли фойдаланишига қараб ҳам баҳо берилади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 30 мартда қабул қилинган «Халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони ана шундай заҳматқаш инсонлар учун кенг имкониятлар яратди. Фармонга мувофиқ яқка тартибда фаолият юритувчи хунармандлар 2014 йилнинг 1 январига қадар солиқ ва боғжона тўловларидан озод қилинди.

Бундай кенг имкониятлар самарасини Ўзбекистон халқ усталари, хунармандлари, мусавирлари «Хунарманда» уюмаси аъзоси Акмал Азларов фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Пойтахтимиздаги Ҳазрати имом (Ҳасимом) меъморий мажмуасида жойлашган устaxonага кириб борганимизда уста шогирдлари ишени кузатаётган экан.

Ёғоч ўймакорлигига болалигимдан қизиққанман, – дейди А.Азларов. – Дастлаб отамдан, кейинчалик катта усталарга шогирд тушиб, бу хунар сирларини пухта ўрганишга ҳаракат қилдим. Илгари хунармандчиликка эътибор бўлмагани боис, ҳар ким ўз билганича фа-

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, қадимий урф-одат ва анъаналаримиз тикланди. Бугун ушбу ноёб меросни асраб-авайлаш, моҳир усталар яратган услуб ва мактабларни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Миллий хунармандчиликни ривожлантиришда республика «Хунарманда» уюмаси фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур уюшма томонидан турли кўргазмалар, аукционлар, кўрик-танловлар ва фестиваллар ўтказилиб, хунармандлар ишлаган халқ амалий санъатининг энг юксак намуналари кенг намойиш этилмоқда.

А.Азларов ҳам бу тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда. Унинг ижод намуналари «Ташаббус» кўрик-танловида, халқаро кўргазмаларда юқори баҳоланган.

Моҳир уста мамлакатимизда тарихий обидаларни таъмирлаш ва тиклаш, янги барпо этилаётган иморатларни миллий меъморчилик анъаналари руҳида безатиш ишларида ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Уста ва унинг шогирдлари томонидан ясалган эшик ва устунлар, айвон ва тоқларга ишланган нақшлар кўплаб замонавий бино ва иншоотларга катта қўрқ, миллий руҳ бағишлаб турибди.

Акмал аканинг укалари – Анвар, Йўлдош, Уғли – Жамолид-

дин, жиянлари Раҳимжон, Асрор бадийи хунармандчилик анъаналарини давом эттираётир. 30 нафардан зиёд шогирди ўймакорлик сирларини кунт билан ўрганмоқда.

Халқимизнинг миллий хунармандчилигига оид анъаналарини чуқур ўрганиш эзгу орузим эди, – дейди Уза А.Азларовдан дастлаб бу йўналишдаги оддий нақшларни, кейинчалик ганч ўймакорлиги, кашта ва гиламларда учрайдиган лолагул, бодом, қаламбир нусхаларини ёғочга муҳрлашни ўргандим. Ҳозир ўз устaxonамни очиб, хунаримни кишлоғимиз ёшларига ҳам ўргатаман.

Хунармандларимиз ясаган маҳсулотлар хорижликларнинг ҳам эътиборига сазовор бўлмоқда. А.Азларовнинг дўкончасига ташриф буорувчилар орасида кўплаб хорижий сайёҳларни учратиш мумкин.

Ўзбек хунармандлари яратган ҳар бир маҳсулот гўзал ва бетакрор санъат намунасидир, – дейди жанубий кореялик сайёҳ Тё Ён Ок. – Мен халқимизнинг бой тарихини, юксак маданиятини намойиш этувчи бундай ноёб қадриятлари билан бевосита танишишни оруз қилардим. Ниятим ушалганидан беҳад мамнунман.

Баҳор ХИДИРОВА

Германияда нашр этиладиган қатор босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида немис сайёҳларининг ўлкамиз бўйлаб амалга оширган сайёҳатлари ҳамда Ўзбекистоннинг бой туризм салоҳияти ва тарихий-маданий мероси мавзуга бағишланган мақолалар эълон қилинди.

«ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ГАНЖИНАСИ»

Жумладан, сайёҳлик соҳаси билан шуғулланадиган «DERPART Reisevertrieb GmbH» компаниясининг интернет-порталида ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган «Ўзбекистон – Буюк Ипак йўлининг ганжиниси» сарлавҳали мақолада баҳор ва куз фасллари юртимиздаги қадимий шаҳарлар бўйлаб сайёҳат учун энг қулай пайт эканлиги қайд этилади.

«Кўҳна Шарқ ва унинг меъморчилиги шайдоси бўлган ҳар қандай инсон Ўзбекистонга ошўфта бўлиб қолади. Мазкур мамлакатнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш учун, даставвал, Тошкентдан Самарқандга, сўнгра эса Бухорога йўл олиш ва Хивада сайёҳатни якунлаш мумкин. Бу афсонавий шаҳарларнинг аjoyиб меъморий ёдгорликлари ҳамда у ерда истикомат қиладиган инсонларнинг меҳмондўстлиги ва самимийлиги бутун дунё сайёҳларини ўзига ром қилиб келмоқда», деб ёзади мақола муаллифи Марион Штингль.

Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз ҳамда Тошкентнинг «сирли ва афсонавий» меъморий сиймосини тасвирлар экан, муаллиф «бу шаҳарларга сайёҳат қилган киши ҳозирги кунга қадар аjoyиб ҳолда сақланиб қолган нақшли безаклар ва мовий гўмбазларнинг гўзаллигига беихтиёр асир бўлиб қолади», дея эътироф этади. У Регистон майдони ва шу сингари бошқа тарихий ёдгорликлар ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатидан бежиз жой олмаганини алоҳида қайд этади.

Марион Штингльнинг ёзишича, Ўзбекистон бўйлаб сайёҳат германиялик сайёҳларда асрлар давомида афсонавий Буюк Ипак йўлининг марвариди бўлиб келган мамлакат ҳақида унутилмас таассуротлар, ёрқин хотиралар қолдиради. Мазкур мақолада палов, лағмон, қабоб сингари ўзбек миллий таомларининг бетакрор таъми ва тайёрланиш усулларига оид маълумотлар ҳам қаламга олинган.

«Teckbote-Kirchheimer Zeitung» газетасининг ахборот порталида эълон қилинган «Қадимий тарихга эга ёш давлат» сарлавҳали мақола ҳам мамлакатимизнинг бой сайёҳлик салоҳияти мавзуга бағишланган.

Маълумот тариқасида айтиш жоизки, мазкур газета тахририяти ўз ўқувчилари учун юртимиз бўйлаб ўн кунлик сайёҳат ташкил қилган эди. «Teckbote-Kirchheimer Zeitung» нашрида чоп этилган ушбу мақолада Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон ҳудуди орқали кўп асрлар давомида Осиё ва Европа ўртасида фаол савдо-сотиқ алоқалари олиб борилгани, ўша даврда ва ҳозирги кунда ҳам бутун жаҳонга машҳур бўлган гўзал шаҳарлар гуллаб-яшнаб, тараққий топгани эътироф этилади.

«Ўтмишининг сассиз гўвоҳлари ҳамон барҳаёт. Бугунги кунгача яхши сақланиб қолган тарихий ёдгорликлар ўз даврида ушбу шаҳарлар нафақат йирик савдо ўноқлари, балки илм-фан ва маданият марказлари бўлганини ҳам эслатади. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шарқона гўзаллик ва сирлилик тимсоллари ҳисобланади. Бежиз Гёте ўз асарларида Самарқанд ва Бухорони мадҳ этмаган», деб ёзади нашр.

(Давоми 2-бетда)

XXI саҳоси
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Сирдарё вилояти фаолларининг жорий йил биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда Президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 18 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифалари ижросига бағишлан-

ган йиғилиши бўлиб ўтди.

• Навоий вилоятида «Обод турмуш йили» Давлат дастурига мувофиқ «Саломатлик автобуси» ташкил этилиб, малакали шифокорлар олис туманлар аҳолисини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказмоқда. Ўн бешдан ортик йўналиш бўйича малакали мутахассислардан ташкил топган гуруҳ Учқудук туманидаги Мингбулоқ, Кулқудук, Юзқудук овуллари, Томди туманидаги Балиманов, Керегетау ширкат хўжаликлари, Нурота туманидаги Сентоб, Темирқовуқ қишлоқларида уч минг нафарга яқин кишини замонавий тиббий ускуналар ёрдамида текширувдан ўтказиб, зарур маслаҳат ва тавсиялар берди.

ЖАҲОНДА

• Ёзнинг жазирама кунларида қутилмаганда Бразилиянинг жанубида қор ёғиши натижасида уч киши жабрланди. Нафақат Бразилия, балки Парагвай, Уругвай, Аргентина ва Чилида ҳам қор ёғишига Антарктидадан келган совуқ ҳаво оқими сабаб бўлган.

• Сантьяго-де-Компостела станциясида 80 кишининг ҳўтига зомин бўлган поезд ҳалокатида қўз юмганлар хотираси учун Испаниянинг Галисия минтақасида етти кунлик мотам эълон қилинди. Маълумотларга кўра, ушбу поезд машинисти Франциско Хосе Гарсон қа-

салхонада ҳибсга олинган.

• Италиянинг Читта-сан-анжело шаҳрида жойлашган мушаклар ишлаб чиқаришга ихтисослашган фабрикада рўй берган портлаш натижасида бир киши ҳаётдан кўз юмган, камидат уч киши турли даражадаги тан жароҳатларини олган ва олти киши бедарак йўқолган. Портлашдан ҳосил бўлган ҳаво тўлқини натижасида бир неча кўшни иншоотлар ҳам шикастланган.

• Ироқ пойтахти Бағдод шаҳридан саккиз километр узоқликда жойлашган Муктадия шаҳридаги қаҳвахонада террорчилик ҳаракати содир этилди. Яъни бу ерда уюштирилган портлаш оқибатида ўн олти киши ҳалок бўлди, йигирмата одам яраланди.

Кунни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда «Худуднинг энг муҳим ижтимоий-маданий ҳамда ёшларга ва соғлом авлодни тарбиялашга оид масалаларини ҳал этишда доимий комиссиялар ва депутатларнинг роли» мавзусида семинар-тренинг ўтказди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, сиёсий партиялар етакчилари, туман ҳокимликларининг ташкилий-назорат гуруҳи раҳбарлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг шаҳар ва туман бўлимлари, таълим муассасаларининг раҳбарлари ҳамда нодавлат ношарикот ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Семинарда худуднинг энг муҳим ижтимоий-маданий ҳамда ёшларни ва соғлом авлодни тарбиялашга оид масалаларини ҳал этишда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари ва депутатларнинг ролини кучайтириш масалалари хусусида фикр юритилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси, Сенатнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси раисининг ўринбосари М.Хўжамбердиев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатларининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг сайлов округида ва сайловчилар билан олиб борадиган ишларини ташкил этиш масалаларига атофлича тўхталиб ўтди.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, сўнгги йилларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари фаолиятида, жумладан шаҳар Кенгашида изчил ўсиш кузатилиб, Кенгаш ва доимий комиссиялар сессия ва мажлисларида худудлар учун муҳим аҳамиятга эга масалаларни муҳокама этиш ва ҳал қилишда қонунчиликда белгиланган тартибда фаол иш олиб борилмоқда.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, худудий муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни Кенгашлар сессиялари ёки доимий комиссиялар мажлисларида муҳокама қилиш ва ҳал этишда бевосита худудлар манфаатларини ифодаловчи халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларидан юксак масъулият талаб қилади. Бу борада депутатлар «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатларининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ваколатлардан самарали фойдаланган ҳолда

ўз фаолиятларини олиб боришлари муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридаги Қонуннинг 5-моддасига кўра, депутат тегишли халқ депутатлари Кенгаши мажлисларида кўриб чиқилаётган барча масалалар бўйича ҳал қилувчи овоз ҳуқуқидан фойдаланади.

ДЕПУТАТ: БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ



Маълумки, депутат тегишли маҳаллий Кенгашга маълум сайлов округидан сайланган. У ўзи сайланган округдаги вазият, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича мавжуд муаммо ва салоҳиятни чуқур ўрганиб чиққан бўлиши лозим. Шунингдек, депутат худудий муаммоларни аниқлаб, уни ўзи аъзо бўлган доимий комиссия орқали дастлабки тарзда кўриб чиқиши ҳамда Кенгаш сессиясигача олиб чиқиши мумкин.

Бундан ташқари, депутатлик сўровини юбориш, мансабдор шахслар ҳисоботини эшитиш, сайловчилар олдида ҳисобот бериш, фуқаролар билан учрашувлар ўтказиш, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш ваколатларига эга.

Қайд этиш жоизки, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг фуқаролар билан бевосита ўтказадиган учрашувлари муҳим ўрин тутади. Ушбу учрашувлар орқали сайловчилар билан очик мулоқот қилиш катта аҳамият касб этади.

Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳам депутат фаолиятининг муҳим бўғинларидан биридир. Зеро, мурожаатлар билан ишлаш жойлардаги муаммоларни чуқурроқ англаш, уларни тоифаларга ажратиш, яъни ҳар бир худудга хос бўлган муаммоларни аниқлашга имкон яратяди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, мурожаатлар билан ишлашда «Фуқароларнинг мурожаатлари

тўғрисида»ги қонун талабларига қатъий риоя этиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ишчи гуруҳи раиси, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси, сенатор Ф.Абдурахимова шаҳар Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш ҳамда Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияларининг фаолиятига тўхталиб ўтди.

Айтиш кераки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг 2013 йил 17 майдаги «Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг ижтимоий-маданий ривожланиш ҳамда ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияларининг фаолиятини мониторинг қилиш натижалари тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар ижроси юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, амалга татбиқ этиб келинмоқда.

Шунингдек, иккала комиссия аъзолари томонидан ўз округларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказилаётганлиги, долзарб масалалар бўйича тегишли тузилмалар раҳбарларига депутатлик сўровлари юборилиб, ўрнатилган тартибда фуқаролар қабули амалга ошириб келинаётганлиги қайд этиб ўтилди.

Жумладан, доимий комиссия мажлисларида муҳокама этилган масалалар, айниқса, ёшларнинг ҳар томонлама қулай шарт-шароитларда билим олиши, хунар эгаллаши ва меҳнат қилиши, соғлом турмуш кечириши, жисмоний тарбия ва спортнинг имкониятларидан фойдаланишлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессиялари муҳокамасига киритиш амалиёти яхши йўлга қўйилганлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган йигирма еттинчи сессиясида ҳар иккала доимий комиссиянинг фаолиятини кучайтириш бўйича 2013-2014 ва кейинги йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси тасдиқланганлиги қайд этилди.

Семинарда кун тартибидagi масалалар юзасидан Олий Мажлис Сенати аъзоси А.Ақромов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари Ж.Кулмухамедов, М.Раҳматуллоева, Т.Матибоев, Р.Фозилов, Д.Аюпов, У.Шойимкулов ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари И.Бердибековлар томонидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Семинар якунига кўра, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари фаолияти самарадорлигини янада ошириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Янги лойиҳалар

«КАМОЛОТ»НИНГ ХАЙРЛИ ТАШАББУСИ

Мамлакатимиз Мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан жойларда кенг кўламли маънавий-маърифий тадбирлар, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

«Камолот» ЁИХ Чилонзор туман Кенгаши ҳам бу борада фаоллик кўрсатиб, туман ёшларига ушбу буюк сананинг моҳияти ва аҳамиятини тарғиб этиш, ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик ва тинчликсеварлик руҳида тарбиялаш мақсадида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида «Келажакка интилган Ватан!» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа доирасида «Камолотчи ёшлар томонидан «Озод юртга обод масканлар ярашар!» шiori остида хайрия хашарларини ташкил этиш белгиланди.

Мазкур хашардан кўзланган асосий мақсад, жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширган ҳолда мамлакатимизнинг Энг улуг ва энг азиз байрамини муносиб кутиб олишдан иборат. Хусусан, туманда жойлашган муқаддас қадамжолар, «Илонли ота», «Катта Қозиробод», «Бўта бува», «Чилонзор ота-2» каби зиёратгоҳлар орасталашиб, қуриган ўтлардан тозаланиб, мавсумий кўчатлар экилиб парваришланмоқда.

Ёшлар иштирокидаги хайрия хашарларини август ойининг сўнгги санасига қадар туман маҳаллаларида истиқомат қилаётган яқка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган кишилар хонадонларини обод ва озода қилган ҳолда давом эттириши режалаштирилган.

**Зиёда ОРТИҚОВА,
ЎзДЖТУ талабаси**

«ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ГАНЖИНАСИ»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мақолада «афсоналарга бурканган, ўтмишда савдо-сотик ва илм-фан маркази бўлган, бутун жаҳондан минглаб одамлар келиб тўхтайдиган ажайиб бозорлари ва карвонсаройлари билан донги кетган» Бухоро шаҳри ажайиб тасвирланган.

Шунингдек, порталда Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти, мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳада эришган муваффақиятлари ҳақидаги муҳим маълумотлар ҳам ўз ифодасини топган.

«Немис сайёҳлари ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва самимияти билан яқиндан танишиш ва икки маданият вакиллари ўртасидаги мулоқотни шакллантиришга ишонч билан қарайдилар», дея хулоса қилади «Teckbote-Kirchheimer Zeitung» газетаси.

Германияда чоп этиладиган минтақавий нашрлардан бири — «Munchner Merkur» газетаси ҳам ўз ўқувчиларини мюнхенлик сайёҳларнинг Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари бўйлаб саёҳатларидан олтирган бой таассуротлари билан таништирган. Мақолада немис сайёҳларининг мамлакатимиз бағрида жойлашган бетакрор осори-атиқалари хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан бирга юртимизда қадимий тарихий-меъморий ёдгорликларни қайта тиклаш, миллий анъана ва маданий қадриятларни асраб-авайлаш, шунингдек, мамлакатнинг замонавий қиёфасини бунёд этиш борисида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига оид атофлича маълумотлар ҳам ўз аксини топган.

«Жаҳон» АА
Берлин

Ижтимоий муҳофаза

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ОМИЛИ

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Юнусобод туман бўлимида «Мустақиллик — инсон қадр-қиммати юксалишининг омилли» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ж. Бобоев сўзга чиқиб Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан амалга оширилаётган асосий йўналишлардан бири бўлган ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини кучайтириш, янги технологиялар жорий этиш ҳамда ижара пунктлари, ижтимоий такси, мобил ижтимоий гуруҳ, ижтимоий томорқа ва бошқаларни ташкил этиб, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш кераклиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Айтиш жоизки, ижара пунктлари реабилитация техник воситаларини ижарига бериш учун мўлжалланган бўлиб, фуқароларга реабилитация техник воситаларидан вақтинча фойдаланишни ташкиллаштиришга йўналтирилган қўлай ва арзон янги ижтимоий технологиялардан биридир. Хусусан, Республика бўйича фаолият кўрсатаётган 137 та ижара пунктлари орқали ҳар йили беш минг нафарга яқин фуқароларнинг реабилитация техник воситаларига бўлган эҳтиёжи қондирилади.

Бизнинг энг эзгу мақсадимиз — дунёдаги тараққий толган демократик давлатлар қаторига киришдан иборат, — деди жумладан нотик. — Бунинг учун ўз моҳияти ва аҳамиятига кўра бир-бирини тўлдирадиган икки ҳал қилувчи вазифани амалга ошириш бизнинг доимий диққат марказимизда туриши зарур. Иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришлар ва амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодий-ижтимоий ўсиш ва технология ривожланиш суръатларини юксалтириш ҳисобидан Ватанимиз тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини муносиб даражага кўтариш, сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий тизимини демократик янгилаш, юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришни давом эттириш шу вазифалар сирасига киради.

— Республикаимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда, — дейди Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши девони раҳбари Д. Сафаров. — Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2011 йил 23 августда «Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тиббий-ижтимоий муассасалари тўғрисида»ги низомларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарор қабул қилинди. Шунингдек, вазирлик тасаруфидagi «Саховат» ва болалар «Муруват» уйлари ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари учун Республика пансионати, сийҳаттоҳларнинг намунавий низомлари тасдиқланиб, мазкур муассасаларда кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ва маънавий хизматларнинг қафолатлиги стандарт шакллари белгилаб берилди.

— Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишланган давра суҳбати ўтказилди, — дейди Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Юнусобод туман бўлими бошлиги Дилфуза Гафурова. — Давра суҳбатини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад Республика миқёсида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, уларнинг мазмун-моҳияти ва самараси ҳақида фикрлашиб олишдан иборат. Мустақилликдан аввал бундай шарт-шароитлар бўлмаган. Бугунги кунга келиб ижтимоий таъминот бўлимида электрон таъминот йўлга қўйилди. Ижтимоий таъминот бўлими Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси деб атала бошлади. Бугунги кунда соҳада кўплаб ишлар амалга оширилди. Булардан бири электрон тармоқ бўлиб, локал сет билан узвий боғланиш йўлга қўйилди, пенсияерларнинг нафақа олишда қутиб қолиш муаммолари ҳал этилди, ҳар бир нафақа олувчи фуқарога шарт-шароитлар яратилди.

Шунингдек, аҳолини ижтимоий қўлаб-қувватлаш борисида ҳар йили ўтказиб келинаётган умумхалқ хайрия хашарлари ҳам муҳим аҳамият касб этаётганлигини айтиб ўтиш жоиз. Ушбу хашарларда худудларни ободонлаштириш билан бирга, ёлғиз кишилар уй-жойларини таъмирлаш ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш анъана тусига кирган.

Давра суҳбати сўнида ана шундай муҳим аҳамиятга молик тадбирларни кўпроқ ўтказишга келишиб олинди.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА



Кундан-кун Истиқлолимизнинг қутлуг 22 йиллик байрами яқинлашмоқда. Барча гўшаларда байрамолди тадбирлари аллақачон бошлаб юборилган. Жумладан, пойтахтимиз туманларида ҳам маърифий учрашувлар, жонли мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадний кечалар ҳамда маданий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Шундай байрам тадбирларидан бири Бектемир туманидаги «Астробод» гузарига ўтказилди.

Туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, маданият ва спорт ишлари туман бўлимлари ҳамда «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши томонидан уюштирилган тадбир «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида ташкил этилди.

Унда олимлар, ижодкор зиёлилар, эстрада хонандалари, кино ва театр актёрлари, жамоатчилик вакиллари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирок этдилар.

Бугунги байрам кечасини мустақиллик айёми олдидан туманимиз аҳолисига кўтаринки кайфият улашиш мақсадида ташкил этганмиз, — дейди тадбир ташкилотчиларидан бири — Республика Маънавият тарғибот маркази Бектемир туман бўлими раҳбари Дилором Мусаева. — Кўриб турганингиздек, барчанинг юзида табассум, диллари шод. Буларнинг бари Истиқлол шарофатидан десак адашмаймиз. Бугун барча ватандошимизнинг тилаги бир — юртимиз тинч, турмушимиз фаровон бўлсин!

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шoirи Эркин Воҳидов ва бошқалар Мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, фан, таълим ҳамда спорт соҳала-

рида эришилган ютуқлар, ишлаб чиқариш борисида қўлга киритилган муваффақиятлар хусусида сўз юритдилар.




— Юртимиз озодлиги ва тинчлиги сабабли мана шундай байрам тадбирларида иштирок этмоқдамиз, — дейди «Зилола» маҳалласида истиқомат қилувчи 62 ёшли онахон Сония Шамшотова. — Бу кунларга етгунча халқимиз не-не қийинчилик ва машаққатларни бошдан кечирмади дейсиз? Менинг қирқ йил умрим собиқ иттифоқ даврида ўтди. У пайтлар одамларнинг юз-қўзида бугунгидек хурсандчилик ва хотиржамликни кўрмасдингиз. Мустақиллик ва давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати тугайли тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечирмоқдамиз, ҳар бир жаҳада ўзига хос ютуқларни қўлга киритмоқдамиз. Шундай жаннаткамон диёр ҳамда мусофаф осмон остида яшаётганимизга мингдан минг шукроналар айта-миз. Тилагим, байрамлар кўпаяверсин, мустақиллигимизнинг умри боқий бўлсин.

Эл севган санъаткор ва хонандаларнинг чиқишлари йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.

**Абдуалим САЛИМОВ
Ислон Исмоилов олган суратлар**



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



ЭЗГУ МАҚСАДЛАР САРИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР (1993 йил)

Истиклолнинг 1993 йили ўзига хос эзгу ишлар ижобати йили бўлди – айнан шу йилдан эътиборан халқимиз ўз Конституцияси билан яшай бошлади.

Бу шунчаки воқеа эмас, балки тарихий ҳақиқат эди.

Бошқа кўп-кўп ўзгаришларни соқит қилмаган ҳолда, айтиш мумкинки, 1993 йилда миллий тарихимизга, маданий меросимизга, маънавий қадриятларимизга муносабатда туб бурилишлар юз берди.

Албатта, бир йил мобайнида амалга оширилган эзгу ишларнинг барини ёдга олиш, ҳатто, бу ерда бир-бир санашнинг ҳам иложи йўқ. Фақат ҳар ким ўзига кучли таъсир қилган, ёдда бир умрга муҳрланиб қолган жиҳатларини кўпроқ эслайди.

5 февраль кун Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлири учун абитуриентларни тест усулида танлаб олиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қабул жараёнини такомиллаштириш, адолатни кучайтириш, замонавий талабларга мос бир усулни жорий этишга интилиш эди.

9 апрелда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг 12-сессиясида Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ҳамда Давлат герби қабул қилинди (Уша йили 4 декабрда Қорақалпоғистон Республикаси Давлат маҳфияси ҳам тасдиқланди).

23 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг келгуси йилда буюк олим Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейини ўтказиш тўғрисидаги қарори чиқди. Бу муборак тўйни ўтказишга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. 1 сентябрь кун Тошкентда Мирзо Улуғбек ҳайкали очилди.

27 июнь – 1906 йили «Тараққий» газетасининг 1-сон чикқан кун Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун сифатида нишонланадиган бўлди.

Июн ойида Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг бўлими очилди.

30 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўрткўл шаҳрининг 120 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Фармони имзоланди. 23 ноябрда эса Қорақалпоғистоннинг биринчи пойтахти – Тўрткўлда шаҳарнинг 120 йиллигига бағишланган катта тантаналар бўлиб ўтди.

17 августда Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси рўйхатдан ўтди. (Ҳозирги пайтда у «Маҳалла» хайрия жамоат фондига айлантирилган).

Шу йилнинг эзида кўп вақтлар «Атеизм уйи» бўлиб келган Тошкент вилоятидаги Занги Ота қабристонини меъморий мажмуаси ободонлаштирилди. Халқ сайлига йиғилди. Олимлар муқаддас маконда Занги Отаниннг ўзбек маънавий меросида тутган ўрни, Соҳибқирон Амир Темурнинг ўзи бу ерда макбара бино қилдириш-ни режалаштиргани, бу савоб ишни унинг севимли невараси Мирзо Улуғбек ниҳоясига етказгани, Алишер Навоий асарларида айнан Занги Ота ҳақида илқ сўзлар битиб кетгани ҳақида баралла гапирилди.

Шу йили Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги Богистон қишлоғидаги Шайх Умар Богистоний макбараси жойлашган сўлим боғда катта тантана бўлди. Тошкентдан кўплаб зиёлилар бориб, қабрлари Тошкент шаҳрида бўлган Шайх Хованд Тоҳурнинг оталари, қабрлари Самарқандда бўлган XV асрнинг буюк нақшбандий пири Хожа Аҳрор Убайдуллоҳ Валининг она тарафдан боболарининг бобоси (Хожа Аҳрорнинг оналари Шайх Хованд Тоҳурнинг ўғиллари Шайх Довуднинг қизлари бўлган) Шайх Умар Богистоний ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий-маърифий тадбир ўтказилди, катта қозонда ош дамлаб, тортилди.

Уша йилнинг хотирада ўрнашиб, тафакку-

римизда муҳрланиб қолган воқеаларидан бири шуки, 31 август кун Мустақилликнинг икки йиллиги шарафига Тошкентнинг марказий майдонига Соҳибқирон Амир Темурга ўрнатилган маҳобатли ҳайкалнинг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Президент Ислон Каримов ана шу тантанада бу улуг бобомиз ҳақида, жумладан, шундай деди: «У ёшлигидан бошлаб ўз олдида она юртини мўғул босқинчиларидан озод қилиш мақсадини кўйди, Ер юзида буюк салтанат соҳиби сифатида элу элатларнинг бошини қовуштирди. Мамлакат кудратини ҳар соҳада юксакликка кўтариб, ду-

Шўрлик даражаси жуда юқори бўлган бу сув ичишга ярқли эмас. Шунинг учун Дамхўжадан катта қувурда вилоят аҳли учун ичимлик суви, маҳаллий аҳоли шеvasи билан айтганда, «ширин сув» келтирилди. Қадимдан Бухоро Зарафшон дарёси сувидан баҳраманд бўлиб келган. Шўро даврининг сиёсати билан Зарафшон Бухорогача бормай қолди. Йиллар ўтиб, бухороликлар яна қайтадан Зарафшон дарёси сувидан баҳраманд бўлди.

4 сентябрда Тошкентда «Туркистон» саройининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Уша йили 30 октябрда эса айнан шу «Туркистон» саройида яна бир миллий маънавий пирумиз Хожа Аҳмад Яссавий меросини ўрганишга бағишланган халқаро илмий-маърифий анжуман ўтказилди.

1993 йилнинг эсда қоладиган яна бир буюк воқеаси – 16 сентябрда Бухорода Баҳроуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонлангани, бу зоти шариф мақбараси меъморий мажмуасининг яхшилаб таъмирлангани бўлди.

Тарих тарихни етаклар экан. Тарих билан тарих эса ўзаро қиёс қилинади...

Кўп кишилар кўзлари кўриб турган бу воқеалар чиндан юз бераётгани, қулқлари эшитиб турган бу сўзлар ростдан айтилаётганига ишонмагандек қараб туришар, баъзилар бу эски тунчалар бирдан синиб, ўрнини дилгир миллий туйғулар эгаллаганидан таъсирланиб, кўз ёшларини бекитолмас эди...

Булар кинода эмас, ҳаётнинг ўзида бўлаётган эврилишлар эди.

Ҳозир бу одатий бўлиб туюлар. Аммо ўша кезларда булар Истиклолнинг ҳаётимиз, хусусан, маънавиятимизда эсаётган ширин-ширин шабадалари эди.

26-28 сентябрь кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов иштирок этиб, нутқ сўзлади. Бу Ўзбекистон раҳбарининг бу мўътабар халқаро минбардан туриб сўзлаган биринчи нутқи эди.

Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ортиб бораётган эди. 26 октябрь кун ИЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Ўзбекистон Республикасини ЮНЕСКО аъзолигига қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

4 ноябрь кун Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилганининг 50 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуман ўтказилди.

22 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбий қисмининг Жанговар байроғи тўғрисида»ги Фармони имзоланиб, Куролли Кучлар Жанговар байроғининг ягона намунаси тасдиқланди.

18 декабрда Андижонда буюк саркарда ва шоир Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги нишонланди ва унга ҳайкал ўрнатилди. 23 декабрда эса Бобур номидаги халқаро жамғарма рўйхатдан ўтди.

Президент Ислон Каримовнинг мақсади аниқ эди: халқнинг топталган, чор ҳуқумати давридаги мустамлакачилик ҳамда шўро замонидаги ярим мустамлакачилик сиёсати зада қилиб ташлаган қадрини кўтариш, қаддини ростлаш, унинг қалбида ғурур-ифтихор ҳиссини уйғотиш ва кучайтириш, уни Ватанин севишга, унга хизмат қилишга ундашга қаратилган ҳар қандай саъй-ҳаракат қўллаб-қувватлиниши лозим эди.

Юртбошимиз аввал бошданоқ масалани: «Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир», – деган тарзда қатъий қилиб қўйди.

1993 йил шу эзгу мақсад сари интилишининг ёрқин даврларидан бири сифатида тарихда қолади.

Олим МАХМУДОВ
(Келгуси сонда 1994 йил воқеалари тафсилоти билан танишасиз).

Истиклол, Слоҳот, Стиқбол

нега машҳур қилди».

Бугун фахр ва гурур билан айта оламизки, Президент Ислон Каримовнинг мустақиллик йилларида амалга оширган буюк ишларидан бири айнан Амир Темурни халққа қайтаргани, бутун жаҳон афқор оммаси олдида уни «қора» бўёқлардан буткул тозалаб, оқлаб бергани бўлди.

Бунинг нақадар тўғри, қанчалар жаҳоний аҳамиятга эга буюк қадам эканини орадан яна беш йил ўтиб, 1998 йили Олмонияга борганимизда юракдан ҳис этдик.

– Сизга бир сюрприз тайёрлаб қўйганимиз, – деди Берлинда таржимон. Лекин у айнан нима эканини айтмади. Айтса, сюрпризлиги қайда қоларди?!

Потсдам шаҳрига педагогика институтини кўришга боришимизни билдиришганида ҳайрон бўлдим. Бу институтнинг тахминан қанақа бўлиши мумкинлигини олдиндан тасаввур қилиш ҳам қийин эмас.

Таълим муассасасини айландик. Факультетлар, кафедраларда бўлдик. Таълим даргоҳи жойлашган кўчанин нариги бетида икки асрлар муқаддам барпо этилган бир тарихий меъморий обида – Пруссия князи қурдирган қаср бор экан. Гўё йўл-йўлакай кўриб ўтиладигандек, қасрга кирдик.

Қарийб баскетбол залидек келадиган бир катта хонага қадам қўйганимизда хайратдан ҳангу манг бўлиб қолдик: Ўзбекистонми бу ер ёки Олмония?! Чунки кираверишда чап тарафдаги эшик-даразасиз деворга тўлиқ қилиб улкан полотно ишланган. Амир Темур тахтада ўтирибди. Орқасида аъёнлари тик турибди. Пастда эса темир панжара ичида тутқун сақланаётган усмонли турк хони – Йилдирим Боязид. Ҳолатдан билса бўладики, Соҳибқирон уни сўроқ қилляпти...

Шундай кезларда томирларида ўзбекнинг қони оқаётган ҳар қандай одамнинг ҳам юрагидаги умрида ҳаяжонланмаган нозик томирчалари жунбушга келиб кетади. XVIII асрда Пруссия князи қайси гоё, қандай мақсад, нима ният билан айнан Амир Темур бобомиз суратини шунчалар катта деворга улкан полотно тарзида чиздирди экан?

Фарб Амир Темурни Европаниннг халоскори деб билади. Чунки Боязиднинг шимолга юриш қилиб, Европани босиб олиш режаси бор эди. Амир Темур уни мағлуб этгани учун Фарб, жумладан, Пруссия ҳам ана шундай бало-қазодан халос бўлиб қолди. Шунинг ҳаққи-ҳурмати князь Амир Темур сиймосини абадийлаштирган. Бу билан у: «Эй Пруссия аҳли, биз шу улуг зотдан абадул-абад қарздормиз, шунинг учун ҳар биримиз бу залга кирганда унинг руҳига таъзим қилайлик!» – демоқчи бўлган.

Августда 300 километрли Дамхўжа – Навоий – Бухоро сув йўли қуриб битказилди. Бунинг аҳамияти шунчалар каттаки, билган билади, Бухоро вилоятида бир томчи ҳам табиий оқар сув йўқ. Қишлоқ хўжалиги учун Амударёдан Туркманистон ҳудудида жойлашган 28 та насос билан сув олиб ташланади. Жами 80 метр баландлиқка кўтарилган оби ҳаёт сув омборларида жамланиб, вилоят далаларини суғоради.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Такдир синовлари инсонни тоблайди.

Масъулиятли кишига ишонса бўлади.

Ҳаётдан рози ва мамнун одам қаримайди.

Фарзанд — ота-онаниннг ўзи ҳақидаги сўзи.

Ёшлиқ ҳам меҳмон, соғлиқ ҳам.

Ўзининг курашга чоғи келмаган майдонга ўзгани тортади.

Кўнгил эгри бўлса, кўз айб қидиради.

Шубҳали бахт татимади.

Йўлини топган зор бўлмайди.

Ёлғон — дил хиёнат.

Ҳақиқатни ҳамма ўзи учун излайди.

Ҳикмат ақлга қувват берибгина қолмай, кўнгилга таскин ҳам бағишлайди.

Иродасиз кишини ҳаёт бўронлари чирпирак қилиб ўйнайди.

Муттаҳам меҳнат қилмай роҳат кўришни хоҳлайди.

Иш то кўзи очилгунча қийнайди.

Бировнинг касрига қолишдан ёмони йўқ.

Бу дунёда бирор нарса сабабсиз эмас.

Бахтни ҳар ким ҳар хил тушунади.

Чоғинг келмаган ишга уринма.

ОБОД ШАҲРИМ — ОЗОДА ШАҲРИМ ҳар шанба — тозалик кун

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!
Шаҳримизнинг янада кўркам бўлиши, кўчаларимизнинг орасталиги, маҳалларимизнинг озода ва ободлигига ҳисса қўриш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканлигини унутмайлик, тозалик ва ободонлаштириш ишларида фаол бўлайлик!

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 27 июлда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосфераниннг ифлосланиши даражаси 1-3 фойз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 27 июль кун ҳаво вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёттигарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 22-24, кундузи — 38-40 даража иссиқ бўлади.

ЖАҒАПТИК ПИЕ СТИЛЕР

Table with columns for 'Ўзбекистон' and 'Тошкент' listing TV programs and their times.

Table with columns for 'Ўзбекистон' and 'Тошкент' listing TV programs and their times.

Table for 'Первый канал' listing TV programs and their times.

Table for 'Россия' listing TV programs and their times.

Table for 'ntv' listing TV programs and their times.

Table for 'ntb' listing TV programs and their times.

Table for 'Ўзбекистон' listing TV programs and their times.

Table for 'Тошкент' listing TV programs and their times.

Table for 'Чоршанба, 31' listing TV programs and their times.

Table for 'Ўзбекистон' listing TV programs and their times.

Table for 'Ўзбекистон' listing TV programs and their times.

Table for 'Тошкент' listing TV programs and their times.

Table for 'Чоршанба, 31' listing TV programs and their times.

Table for 'Ўзбекистон' listing TV programs and their times.

Table for 'Первый канал' listing TV programs and their times.

Table for 'Россия' listing TV programs and their times.

Table for 'ntb' listing TV programs and their times.

Table for 'ntb' listing TV programs and their times.

Table with columns for 'Ўзбекистон' and 'Тошкент' listing TV programs and their times.

Table for 'Первый канал' listing TV programs and their times.

Table for 'Россия' listing TV programs and their times.

Table for 'ntb' listing TV programs and their times.

Table for 'ntb' listing TV programs and their times.

Table for 'Ўзбекистон' listing TV programs and their times.

Table for 'Тошкент' listing TV programs and their times.

Table for 'Чоршанба, 31' listing TV programs and their times.

Table for 'Ўзбекистон' listing TV programs and their times.

Table for 'Ўзбекистон' listing TV programs and their times.

Table for 'Тошкент' listing TV programs and their times.

Table for 'Чоршанба, 31' listing TV programs and their times.

Table for 'Ўзбекистон' listing TV programs and their times.

Table for 'Первый канал' listing TV programs and their times.

Table for 'Россия' listing TV programs and their times.

Table for 'ntb' listing TV programs and their times.

Table for 'ntb' listing TV programs and their times.

Advertisement for 'ТОШКЕНТ ОК' (Tashkent OK) featuring contact information, address, and promotional text.